

“ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА”ги Ўзбекистон республикаси олий суди пленумининг 21-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

“ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА”ги Ўзбекистон республикаси олий суди пленумининг 21-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Вояга етмаганларга оид жиноятлар бугунги кунда кўпайиб бормоқда, уларга оид жиноят ишларини судларда кўриб чиқишда эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолатлар “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрда қабул қилинган 21-сонли қарорида акс этган, унга кўра:

1. Судлар вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама тўла ва холисона текшириб чиқиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва судланувчининг шахсини эътиборга олган ҳолда аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва далиллар мажмуасига тўғри баҳо берилиб, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда қонунда кўрсатилган хусусият ва имтиёзларидан тўла фойдаланишлари лозим бўлади.
2. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш вақтида судлар айбланувчига нисбатан қўлланилган қамоққа олиш сифатидаги эҳтиёт чорасининг асосли эканлигини синчиклаб текширишлари, айтилиши вақтда ЖПКнинг [242](#), [243-моддаларига](#) ва Олий суд

Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги [қарорида](#) кўрсатилган тушунтиришларга мувофиқ бундай эҳтиёт чораси судланувчининг шахси, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси шуни тақозо этган ҳоллардагина қўлланишини назарда тутишлари лозим.

Вояга етмаганнинг қамоққа олиниши асоссиз деб топилган ҳолларда суд дарҳол эҳтиёт чорасини ўзгартириши лозим бўлади.

3. Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўришда шуни назарда тутиш лозимки, айбланувчи бу пайтга келиб вояга етган-етмаганлигидан қатъий назар, бундай ишлар бўйича адвокат иштирок этиши шарт. Ушбу қоида шахс жиноятлардан бирини 18 ёшга тўлмасдан олдин, бошқасини вояга етганидан сўнг содир этганликда айбланган ҳолларда ҳам амал қилади.

Жиноят процессуал кодексининг [51-моддасига](#) мувофиқ, суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари бўйича адвокатнинг иштирок этиши шарт. Мазкур қоида ЖПКнинг [52-моддаси](#) талабига кўра вояга етмаган шахс ҳимоячидан воз кечганда ҳам татбиқ этилади. Ушбу процессуал қонун талабларига риоя қилмаслик ЖПК [497²²-моддасига](#) асосан, ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўладиган жиноят процессуал қонуннинг жиддий бузилиши деб қаралиши керак.

Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз аниқланган ҳар қандай далил юридик кучга эга эмасдир.

4. Жиноят-процессуал кодексининг [551](#) ва [562-моддаларига](#) мувофиқ суд вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, васийлик ёки ҳомийлик органи вакилларини, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхона, муассаса, ташкилотни, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни, зарур бўлса бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади. Суд бу ташкилотларнинг вакилларини, судланувчининг васий ёки ҳомийсини, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шуғулланувчи комиссиянинг вакилларини гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақиришга ҳақлидир.

Вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили масаласи ҳал этилаётганда шуни назарда тутиш керакки, ЖПКнинг 60-моддасининг [2-қисмида](#) келтирилган қонуний вакил бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхати қатъий берилган.

Агар вояга етмаганнинг ота-онаси бўлмаса ва у ёлғиз яшаётган ёхуд тегишли равишда васий ёки ҳомий этиб тайинланмаган шахс билан яшаётган бўлса, суд вояга етмаганнинг қонуний вакили сифатида васийлик ёки ҳомийлик органининг вакилини чақириши зарур.

5. Судлар ЖКнинг [548-моддасига](#) кўра вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига ёшини ва шахсини аниқлашлик ҳам киришини назарда тутишлари зарур. Айти вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган кунни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг нол соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади.

Судлар ишда албатта вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортдан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суднинг ўзи бундай камчиликни бартараф қилиши зарур.

6. Шунинг назарда тутиш лозимки, ЖКнинг 87-моддаси [3-қисмига](#) кўра, вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

Судларга ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсларга ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан ЖК [88-моддасида](#) кўрсатиб ўтилган мажбурлов чораларини кенгроқ қўлланиши уқтирилсин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс агар, содир этилган қилмишининг хусусияти, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, суд уни жазо қўллагандан туриб ҳам тугатиш мумкин деган хулосага келса, ишни кўриш учун тайинлаш босқичида ишни тугатиш ва уни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга юбориш ҳақида ажрим чиқаради.

Жиноят кодексининг 87-моддасининг [2-қисмида](#) кўрсатилган асослар билан вояга етмаганни жазодан озод этиш ва унга нисбатан шу кодекснинг [88-моддасида](#) кўрсатилган мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан суд жазо тайинлагандан туриб жазодан озод этиш ҳақида ҳукм чиқаради.

Вояга етмаган судланувчининг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмаганнинг ақлий ривожланишида ортда қолгани ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-руҳиётшунослик экспертизаси тайинланиши лозим.

Мазкур масалаларнинг ечими экспертлар комиссияси ихтиёрига ҳавола этилиши ҳам мумкин. Бунда вояга етмаганнинг ақлий ривожланиши, унинг ёшидан нақадар ортда қолганлиги, ақли заифлиги қай даражада эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб бериш шарт қилиб қўйилиши керак.

7. Вояга етмаганларнинг катта ёшдагилар иштирокида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш кўриб чиқиладиганда, катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини синчиклаб аниқлаш лозим, чунки ана шу маълумотлар катта кишининг вояга етмаганни жиноят ёки ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга жалб қилишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилсин. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилсаю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг [127-моддаси](#) билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

8. Агар вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг, шу жумладан иш юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсларнинг ғайриқонуний ёки ёмон хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, суд бу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши, шунингдек, зарур ҳолда қайд этилган шахсларнинг иш ёки яшаш жойларига хусусий ажрим чиқариб муҳокама қилишга юбориши лозимлиги белгиланган.

Жиноят кодексининг 55-моддаси [«г» бандига](#) кўра жиноятнинг жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилиши натижасида содир этилиши, ёхуд вояга етмаган шахснинг моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги сабабли содир этилиши жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат эканлигини ҳам назарда тутиш керак. Шу муносабат билан судлар вояга етмаган шахсга нисбатан айнан қандай жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлигини аниқлашлари шартлиги белгиланган.

9. Суд вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласини ҳал этаётганда, биринчи навбатда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, ана шу шахсларга оид маълумотларни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш имкониятини муҳокама қилиши лозим. Суд айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бўлмаган ҳоллардагина озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин. Айни вақтда ҳукмда суднинг бу тўғрисидаги хулосаси асослантирилиши шартлиги белгиланган.
10. Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари юзасидан ҳукм чиқаришда уларнинг жиноий қилмишларига холисона баҳо берилиши, уларга нисбатан ЖКнинг [72, 87-моддаларини](#) қўллаш масаласини судлар атрофлича, ҳар томонлама муҳокама қилишлари лозимлиги белгиланган.

Судлар вояга етмаганларга нисбатан ЖКнинг [72-моддасини](#) қўллаганларида судланганга синов муддати даврида қандай муайян мажбуриятлар юклатилишини (ўқишни якунлаши, ишга жойлашиши ва ҳоказолар) ҳукмда аниқ кўрсатишлари шартлиги белгиланган.

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаётганда ЖК [82-86-моддалари](#) талабларидан келиб чиқиш лозим бўлиб, бунда ЖК [57-моддасини](#) қўллаш талаб этилмайди. Судланувчига у айбдор деб топилган ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазоларнинг тайинланиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддаси [учинчи қисмида](#) назарда тутилган ҳолларда шу Кодекснинг [560-моддасига](#) мувофиқ, вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади.

11. Агар дастлабки тергов органлари, асос бўла туриб, Фуқаролик кодексининг [993](#) ва [994-моддаларида](#) кўрсатилган шахслар ва ташкилотларни фуқаровий жавобгар деб эътироф этмаган бўлса, суд бу масала юзасидан тегишли ажрим чиқариши лозим.
12. Судлар вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари судда кўрилаётганда жиноятни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш учун хусусий ажрим чиқаришлари шартлиги белгиланган.
13. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолларининг олдини олувчи ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва

бартараф этиш чораларини амалга оширувчи орган ҳисобланишига эътибор қаратиш белгиланган.

Вилоят судининг судъя катта ёрдамчиси
М.Йўлдошева